

**O‘zbekiston Respublikasi oliy va o‘rta maxsus  
ta’lim vazirligi  
Buxoro muhandislik-texnologiya instituti  
“O‘zbek tili va adabiyoti” kafedrası**

**“O‘ZBEK TILINING YANGILANAYOTGAN  
O‘ZBEKISTON MILLIY YUKSALISHIDA  
TUTGAN O‘RNI VA AHAMIYATI”**

**RESPUBLIKA MASOFAVIY ILMIY-AMALIY  
ANJUMANI MATERIALLARI  
2020-YIL 23-OKTABR**



**BUXORO – 2020**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS  
TA‘LIM VAZIRLIGI  
BUXORO MUHANDISLIK-TEXNOLOGIYA INSTITUTI  
“O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI”  
KAFEDRASI**

**“O‘ZBEK TILINING YANGILANAYOTGAN O‘ZBEKISTON  
MILLIY YUKSALISHIDA TUTGAN O‘RNI VA AHAMIYATI”**

**mavzusidagi respublika masofaviy ilmiy-amaliy anjumani**

**MATERIALLARI TO‘PLAMI**

**2020-YIL 23-OKTABR**



**BUXORO – 2020**

O‘zbekiston Respublikasining “Davlat tili haqida”gi Qonuni qabul qilinganligiga 31 yil to‘lganligi munosabati bilan hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbek tilining davlat tili sifatidagi nufuzini va mavqeyini tubdan oshirish chora-tadbirlari to‘risida”gi PF-5850-son Farmonida ko‘zda tutilgan “O‘zbek tili bayrami kuni”ni keng nishonlash, jumladan: O‘zbek tilini davlat tili sifatida nufuzini oshirish va qo‘llanish ko‘lamini yanada kengaytirish; Davlat tilini milliy qadriyat sifatida e‘zozlash; unga nisbatan milliy g‘urur hissini kuchaytirish va targ‘ib etish; O‘zbek tilining xalqaro mavqeyini mustahkamlash maqsadida Buxoro muhandislik-texnologiya instituti “O‘zbek tili va adabiyoti” kafedrasida 2020-yil 23-oktabrda “O‘zbek tilining yangilanayotgan O‘zbekiston milliy yuksalishida tutgan o‘rni va ahamiyati” mavzusida Respublika masofaviy ilmiy-amaliy anjumani o‘tkazildi. To‘plamga mazkur anjuman materiallari kiritilgan.

**Tashkiliy qo‘mita a‘zolari:**

BuxMTI ilmiy va innovatsion ishlari prorektori:

**f-m.f.doktori M.Sharipov**

BuxMTI “O‘zbek tili va adabiyoti” kafedراسi mudiri,

**falsafa fanlari doktori G.S.Yunusova**

Mas’ul muharrir: BuxDU “O‘zbek tilshunosligi” kafedراسi dotsenti

**B.E.Qilichev**

BuxMTI “O‘zbek tili va adabiyoti” kafedراسi o‘qituvchilari:

**G.X.Istamova**

**Sh.F.To‘xtayev**

**Maqolalardagi ma’lumotlarning haqqoniyligi va imlo jihatlariga mualliflar mas’uldir.**

istiqbollarini belgilaydi. Nutqning ko'p qirrali xususiyatlari ta'lim darajasi va ixtisoslashuvini tanlash imkoniyatini yaratadi va shu bilan talabalarning ta'lim sohasida ham, kasbiy ixtisoslashuv sohasida ham turli ehtiyojlari va qiziqishlarini amalga oshiradi. Jismoniy tarbiya sohasida kadrlar tayyorlash va yangi ixtisosliklarni shakllantirishda nutqning ahamiyati cheksiz. Ular ideal holda aniq ijtimoiy talabga javob berishi kerak. Aynan shu narsa har doim nafaqat o'z-o'zini tarbiyalash qobiliyatini, balki kasbiy faoliyat sohasida tezkor navigatsiya qilish qobiliyatini shakllantiradi, keng ixtisoslashuvga ega bo'ladi, shu bilan jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi natijasida yuzaga keladigan talabni oldindan biladi. Zamonaviy jismoniy tarbiyaning taraqqiyot modeli ta'limning mohiyatini, uning shaxs va jamiyat bilan bog'liq maqsadlarini, munosabatlari va vazifalarini belgilaydigan qadriyatlar tizimiga asoslangan. Uning mazmuni o'zgaruvchan ijtimoiy-iqtisodiy sharoitlarga moslashish va ularga mos keladigan turidagi ta'lim modeliga mos kelishi kerak. Ta'lim mazmuni rivojlanishining asosiy tendensiyalariga kiruvchi, ijtimoiy-antropologik yondashuvning ustunligini mustahkamlash; insonni tushunishni yanada to'liqroq tushunish; gumanitar bilimlar va gumanitar tadqiqotlar ijtimoiy yo'naltirilganligi; tabiiy va gumanitar fanlarni birlashtirish tendensiyasi, ta'limning yanada mazmuni va tuzilishi talab etiladi. Demak, qaysi sohani olmaylik, inson o'z hayotida til va nutqning o'rni nihoyatda muhimligini anglaydi.

#### **Adabiyotlar ro'yxati:**

1. Богин Г.И. Уровни и компоненты речевой способности человека. Калинин, 1975. - 128 с.
2. Qudratov T. Nutq madaniyati asoslari. – Toshkent, 1993.
3. Чучалина А.И., Чусовитина О.М. Теоретические основы профессионально-речевой подготовки будущих специалистов в области физической культуры и спорта // "Теория и практика физической культуры" 2005.

## **5-SHO'BA. O'ZBEK ONOMASTIKASI MASALALARI**

### **ТОПОНИМЛАР ТАРКИБИДАГИ СОНЛАР ҲАҚИДА**

**Байрамали Қиличев**

БухДУ доценти

Ўзбекистон топонимиясида турли морфологик бирликларни кузатиш мумкин. Булар сирасига от, феъл, сифат каби фаол қўлланадиган, равиш, олмош, сон каби миқдоран кўп бўлмаган номлар ҳам учрайди. Биз ушбу ахборотда топонимлар таркибида кузатиладиган айрим шаклан сонга ўхшаш,

мазмунан эса сон – миқдор билан боғлиқ бўлмаган маъноларни ифодалаган бирликлар борасидаги қарашларимизни баён этамиз.

Мамлакатизнинг турли ҳудудларида бир, уч, тўрт, беш ва бошқа сўзлар иштирокидаги номларни учратиш мумкин. Ушбу номларнинг айримларида сонлар ўз асл вазифаси – миқдорни ифодалашга хизмат қилса, айримларида эса миқдор билан алоқадор бўлмаган маъноларда қўлланган.

**Бир сўзи.** Ушбу сўз *Биркунлик* топоними таркибида учрайди. Мазкур топоним Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги қишлоқ номидир. Маҳаллий аҳоли топонимнинг этимони сифатида қишлоқнинг Китоб шаҳри марказидан бир кунлик йўл бўлганлиги билан изоҳлайди. Аслида топоним *Бургутли* шаклида бўлиб, туркий қавм номларидан бири саналади [1, 63]. Топоним товуш ўзгаришига учраган.

**Уч сўзи.** Бу сўз *Учкўрна, Учтепа, Учтут, Учуйлик, Учुरुз, Учқиз, Учқора* каби топонимлар таркибида учрайди. Мазкур топонимлар таркибидаги *уч* сўзи турли маъно қирраларини намоён этган. Жумладан, *Учтепа* топонимидаги *уч* сўзи *ёнма-ён ёки яқин масофада жойлашган участка*, шунингдек *уч – белгиланган ҳудуднинг ёки нарсанинг охири, сўнги жойи* [2, 264] каби маънони ҳам ифодалайди. Демак, топоним *тепа* индикатори билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган. Худди шундай ҳолатни *Учтут* топонимида ҳам кузатиш мумкин.

*Учуйлик* топоними этноним асосида пайдо бўлган [3, 133]. Демак, мазкур топоним таркибидаги *уч* морфемаси алоҳида ажратилмайди. Бу топонимга *учуйли* этноними асос бўлганлиги сабабли *уч* сўзи сон – миқдор маъносини ифодаламайди ва ҳ.к.

*Учқиз* топонимини этимологик таҳлил қилган проф. Т.Нафасов *учқиз* – тиклик кўлами баланд бўлган, усти чоштепа сингари сиртли бўлган тепалик, дея таъриф берган [2, 265]. Демак, *учқиз* аслида *учқуз* бўлиб, тепалик турини ифодалайди. Айтиш мумкинки, *Учқиз* топоними таркибида ҳам сон маъносидаги сўз мавжуд эмас.

**Тўрт сўзи.** Мазкур сўз *Тўртайғир, Тўрткўл, Тўртоғайни, Тўрттом, Тўртуйлик* каби топонимлар таркибида учрайди. Айтиш лозимки, қайд этилганлардан фақат *Тўрттом* топоними таркибида сон маъносидаги сўз иштирок этган [2, 256]. Топоним тўрт (4) уй маъносига эга. Бу ном мазкур жойда биринчи қурилган тўрт уй сабабли пайдо бўлган.

*Тўрткўл/Тўртгул* топонимига шарҳ берган атоқли шарқшунос В.В.Бартольд *тўрткўл – чолдевор, вайрон бўлган девор, қўрғон харобаси* эканлиги ҳақида изоҳ қолдирган [4, 199]. Т.Нафасов *тўрткўлни* тўртбурчак сўзи асосида пайдо бўлган, деб қайд этган. Манбаларда *Тўртайғир, Тўртоғайни, Тўртуйлик* каби номлар этнонимлар асосида шаклланганлиги



кайд этилган [5, 116;]. *Тўртайғир, тўртоғайни, тўртуйли* этнонимлари кипчоқларнинг уруғларидан бири саналади. Демак, бу номлар таркибида ҳам тўрт сони мавжуд эмас.

**Беш сўзи.** Ушбу сўз қатнашган топонимлар Ўзбекистоннинг барча худудларида учрайди. Жумладан, *Бешариқ, Бешбек, Бешбола/Бешбўла, Бешбулоқ, Бешгумбаз, Бешдара, Бешдарак, Бешёғоч, Бешкал, Бешкалтак, Бешкапа, Бешкент, Бешкўса, Бешмачит, Бешнова, Бешпайкал, Бешпанжа, Бешсари, Бешта, Бештанга, Бештаноб, Бештахта, Бештерак, Бештут, Бештўла, Бешуйли, Бешчашма, Бешўчоқ, Бешўғил, Бешқиз, Бешқозоқ, Бешқўл, Бешқўрғон, Бешқўтон* кабилар.

Юқорида қайд этилган топонимлардан *Бешбола/Бешбўла, Бешкал, Бешкалтак, Бешкўса, Бешсари, Бешуйли, Бешэркак, Бешўғил*, кабилар этнонимдир. Хусусан, *Бешбола/Бешбўла* – кўнғиротларнинг ойинни бўлимига, шунингдек, Зарафшон водийсидаги қорақалпоқларнинг, Сурхондарё туркманжузларининг, Фарғона кипчоқларининг, Зарафшон сарик кипчоқларининг бир уруғи; *Бешкал* – манғит, юз ва ўзбеклашган арабларнинг уруғ тармоғи [2, 58]; *Бешкалтак* – кўнғиротлар қўштамғали бўлимига мансуб кал уруғининг бир тармоғи, кипчоқларнинг бир уруғи [2, 59]; *Бешкўса* – Қашқадарё ва Сурхондарё кўнғиротларининг очамайли, майдатўда уруғларининг бир тармоғи, кўнғиротларнинг қўштамғали бўлимидаги уруғ номи ҳамда Сурхондарё туркманжузларининг жилонтамғали бўлимига мансуб уруғ номи [6, 90-93]; *Бешсари* – кипчоқларнинг бир уруғи; *Бешуйли* – уйли уруғининг тармоғи [3, 37]; *Бешэркак* – кўнғиротларнинг вохтамғали бўлимига мансуб уруғ номи [7, 34]; *Бешўғил* – кўнғиротларнинг вохтамғали бўлимидаги болғали тармоғига мансуб уруғ номи [2, 61].

*Бешариқ, Бешбулоқ, Бешдарак, Бешёғоч, Бешкапа, Бешкент, Бешмачит, Бешнова, Бешпайкал, Бешпанжа, Бешта, Бештахта, Бештерак, Бештут, Бештўла, Бешчашма, Бешўчоқ, Бешқиз, Бешқозоқ, Бешқўл, Бешқўрғон, Бешқўтон* топонимларининг айримларида беш рақами, айримларида эса беш сўзининг *миқдоран кўп, анча, бир нечта* каби маънолари мужассамлашган.

Бешбек топоними товуш ўзгариши орқали пешпек сўзидан ҳосил бўлган. Пешпек – бир неча тепалар яқинида бўлган қишлоқ мўносига эга бўлиб, Бешбек товуш ўзгариши натижасида юзага келган.

Хуллас, топонимияда сон шаклидаги бирликлар иштирокидаги номлар кўплаб учрайди. Уларнинг кўпчилигида сон шаклидаги бирликлар миқдор ифодалашга хазмат қилмайди. Топонимлар таркибидаги олти, етти, саккиз, ўн икки, қирқ, юз, минг каби сўзларни тадқиқ қилиш эса кейинги изланишларда ўз ечимини топади деб ўйлаймиз.

		samaradorligi	
25	To'xtayev Sh.	Harakat nomi shaklini grafik organayzerlar asosida o'tish	64
26	Taxirova X.	Ona tili darsligi yuzasidan ayrim mulohazalar	67

### 3-SHO'BA. O'ZBEK TILINING NAZARIY MASALALARI

№	Muallif (lar)	Mavzu	Bet
27	Jo'rayeva B.M., Aminova A.O'.	Konseptning lingvokognitiv tahlili xususida	70
28	Холмухамедов Б.Ф.	Ўзбек тилидаги тасвирий сўзларнинг лексемалашуви ҳақида	73
29	Баракатова Д.А.	Адабий тил меъёрлари ва талаффуз маданияти ҳақида	76
30	Истамова Г.Х.	Фитрат ва ўзбек тилшунослигининг айрим назарий масалалари	78
31	Иззатуллаева Г.	Фитрат ва имло масалалари	81
32	Шокиров Л.Б., Саидова Г.Ш.	Таржима соҳасида ўзбек тилининг роли	83
33	Boltayeva N.O'., Boltayeva V.O'.	Publitsistik matnlarda sarlavhaning vazifalari	86
34	Ubaydullayeva X.	O'zbek tilshunosligida iboralarning o'rni	88

### 4-SHO'BA. O'G'ZAKI VA YOZMA NUTQNI RIVOJLANTIRISH MUAMMOLARI

№	Muallif (lar)	Mavzu	Bet
35	Ғафурова Н. Н.	Замонавий мутахассисларни тайёрлашда оғзаки нутқнинг аҳамияти	92
36	Sabirova N.R.	Jismoniy tarbiya o'qituvchilari faoliyatida nutq madaniyatining o'rni	94

### 5-SHO'BA. O'ZBEK ONOMASTIKASI MASALALARI

№	Muallif (lar)	Mavzu	Bet
37	Қиличев Б.	Топонимлар таркибидаги сонлар ҳақида	96
38	Камолова С., Файзуллаева Ш.	Француз адабиётида ономастика	102
39	Шодиева И.О., Қудратова Н.У.	Тилшуносликда гидронимлар	105
40	Камолова С., Файзуллаева Ш.	Француз антропонимларининг миллий-маданий қирралари	108

41	Qo'chqorova Sh.R.	Buxoro viloyati toponimiyasiga oid noyob manbalar	112
43	Qo'chqorova Sh.R.	Toponimik iboralar sharhi	115
44	Kamolova S.	Француз ономастикасида тарихий қахрамонлар исмининг қўлланиши	117
45	Rahmatullayev Sh.	O'zbek ismlarining lingvokulturologik xususiyatlari	120
46	Shodiyeva I.O., Qudratova N.U.	O'zbek tilshunosligida qoraqalpoq toponimlarining tutgan o'rni	123
47	Safarova M.	Toponimlar va qisqartmalar	127
48	Qo'chqorova Sh.R. Qo'chqorova B.R.	Viloyat toponimlarining ayrim grammatik xususiyatlari	129
49	Hamroyeva M.	Geografiya darslarida toponimik ma'lumotlardan foydalanish	132
50	Qo'chqorova B.R.	Turkiy toponimlarni rivojlanish tarixidan	134

## 6- SHO'BA. O'ZBEK ADABIYOTINING NAZARIY MASALALARI

№	Muallif (lar)	Mavzu	Bet
51	Давронова Ш.	Назар Эшонкул асарлари тилига хос айрим хусусиятлар	137
52	Kazimova G.X.	Alisher Navoiy asarlarida shaxs tarbiyasi masalasi	140
53	Azimova N.F.	Alisher Navoiy nasriy asarlarining ahamiyati	142
54	Azimova N.F.	Alisher Navoiyning ilmiy-filologik merosi	144
55	Асророва М.У.	Абу Наср Форобийнинг лингвистик қарашлари	147
56	Orziyeva L.N.	Navoiy asarlarida komil inson g'oyasi	150
57	Норова Р.Ф.	Эртақлар оламига саёҳат	151
58	Норова Р.Ф.	Эртақлар таълим ва тарбия манбаидир	157
59	Норова Р.Ф.	Ж.Р.Киплинг эртақларининг кўп қирралиги ва сермазмунлиги	159
60	Норова Р.Ф.	Р.Киплинг эртақларидан намуналар ("Just so stories" эртақлар тўплами ҳақида)	161
61	Jumayeva S.	Adabiyot darslarida interfaol usullardan samarali foydalanish	163
62	Salimova S.	Usmon Azimning sifatlashlardan foydalanish mahorati ("Tazarru bog'lari" she'riy turkumi asosida)	165
63	Сайидова С.	Тасаввуфий таълимотнинг халқлар ичидаги тарбиявий таъсири	167
64	Sidiqova N.	Toponimikaning kelib chiqishi	170
65	Mustaqimova Q.	Reklama matnining maqsad va vazifalari	173
66	Olimova M.	Ona tilim – millatim ruhi	177



---